



М И Л Л И Й Т И К Л А Н И Ш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси 1996 йил, 6 август 31 (60)- сон

Мустақиллик ҳаётимизни тубдан ўзгартирди. Бу ўзгаришлар ижтимоий, иқтисодий турмушимизнинг барча соҳаларида зоҳир. Лекин, энг залворли ўзгаришлар ижтимоий онгда рўй бериб турибди. Маълумки ижтимоий онг жуда секин ва гоҳда қийинчилик билан ўзгаради. Бунда сакраларнинг бўлиши мушкул. Ижтимоий онг ҳаммаша ва ҳар қандай ерда табиий, тадрижий оқимда боради. Шунинг учун баъзан унинг беш-ўн йил орасидаги ўзгаришларини аниқ фарқлаб, англаб, ажратиб олиш қийин бир нарса каби туюлади.

МУСТАҚИЛЛИК СИЁСАТИ ВА ОНГДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгани—бу бениҳоя катта ижтимоий, сиёсий, тадрижий воқеа. У узок асрлик истибдоддан сўнггина халқнинг қўлига кирди. Халқ бир томчи қон тўкмай ўз ҳақиқий озодлиги ва мустақиллигининг чинакам эгаси бўлиб қолди.

Асоратда, социалистик қарашларнинг мунофиқона тушунчалари исқанжаларида яшаб келган онг, бу озодликни аввалгида коммунистлар ҳам тинмай айюханнос соландан «озодлик» ва «эрк»дан фарқловмай турди. Лекин кейин эркин бозор иқтисоди қонунлари аста-секин тадрижий тарзда амал ола бошлади, халқ асорат либосларини ташлаб, бу чин воқеанинг тарихий, иқтисодий, сиёсий қимматини англади. Табиий тараққиёт ўзанидан чиқиб кетган, зўрлаб ёлғиз бир дунёқарашнинг қозиги-га боғлаб ташланган онг чин озодликнинг нашоҳисини туйди. Беш йил ичида халқ онгининг замирида силжиш пайдо бўлди.

Халқ эркин бозор иқтисоди ва у билан боғланган барча ислохотларни қабул қилди. Халқ ўз турмушини ўзгариши учун ҳаракатга кирди.

Халқ сиёсий қараётликдан қутулиб, ўз ҳаёти ва умуман, ҳамма нарсага жуда қизиқиш билан қарай бошлади.

Кейинги беш йил ичида халқ ҳаётида рўй берган энг аҳамиятли ўзгаришлардан бири — ижтимоий қизиқишнинг ортанлиги, ортиб бораётганлиги, икки оғиз шу гоҳда эътиборли ҳодиса устида фикрлашиб кўрайлик.

Аввало, халқнинг ижтимоий қизиқишлари мунтазам ўсиб бораётганига ижтимоий муҳим ҳодиса деб қаралишни истардим. Ҳўш, ижтимоий онгда, ижтимоий фикрда туб ўзгариш, яъни қизиқиш пайдо бўлганлигининг боиси нимада? Бунинг манбайи, маншайини қаердан излаймиш?

Ижтимоий қизиқишнинг эркин шакллари нималарда

ИСТИҚЛОЛГА БАҒИШЛОВ

можаролар, урушлар, низолар оқибатида тўқилаётган қонлар, завод бўлаётган умрлар, террор йўлига кирган сабил жонлар... туганмас кўзёшлар, фироқларнинг аламлари... одамнинг дилини ўртади. Ун йиллаб олиб борилган қаттол урушлар нималар берди? Инсоният бошига қоратилган қаттол ўзга нима олиб келди? Нима натижа берди бундан бош-кечи кўринмас низолар, адоватлар?

Бойликлар совирилди, шаҳарлар вайронга айланди, Африкада у мамлакатдан бу мамлакатга миллионлаб кишиларнинг қочиб ўтишлари авж олди. Яшашга эмас, жон сақлаш оғир муаммо бўлиб қолди.

Сиёсий ихтилофлар, сиёсий даъволар оқибатида фақат шу чексиз алам-қайғулар қоладики?

Кўпалаб мамлакатлар тиштрноғига даҳшатли замонавий қирғин воситалари билан қуролланиб олган бизнинг замонамизда қуролларнинг террорчилар қўлига тушиши, ташқарига — ўзини билган-билмаган одамлар қўлига осон бориб етиши қандай оқибатларни келтириб чиқаришни ҳамма кўриб турибди. Бизнинг шундай қуролланган замонамизда турли сиёсий даъволар, талаблар, тарафқарилар билан ижобий муносабатлар, натижаларга эришиб бўлармикми?

Бунинг устига сиёсий даъволар билан қуролланиб олганлар фақат ўзларини ҳақ деб билдилар. Қўзларига фақат ўз талабларигина ҳақ

ГАП МЕҲНАТДА...

Машина Ховос-Бекобод йўли бўйлаб бир текис юриб бормоқда. Атрофга қарайман. Бир вақтлар йўлнинг бир томони ямғирли тоқзор, иккинчи томони пахтазор бўларди. Энди эса... Энди қаровсизликданми, сувсизликданми ўша узумзорлар тугай бошлабди. Ҳамма томонни ўт босиб қатган. Пахтанинг ҳам унчалик авжи йўқ.

— Бу ерлар давлат хўжалигига қарашли — дейди шеригим. Ховос тумани Бобур номидаги хўжаликка қарашли фермер хўжалик бошлиғи Суюнбой Норқўзиёв. Баъзан хўжалик раҳбарларининг иши ҳам хайрон қолсан киши. Ерни ижарага бер десанг худди отасининг ерини бераётгандек қовғини уяди, ўзлари эса... Ерининг умри ўтаётганини қаранг.

— Тўғри, — дейман бош ирғаб. — Президентимиз ҳам ерни эгасига беринглар, ўшалар халқни боқадди деб турган пайтда айрим раҳбарлар бунинг аксини қиладди. Чунки ер эгасига берилгач, улар мансабидан ажралиб қолишади-да.

Ўн-ўн беш минут юрилгач мутлақо бошқача манзаранинг гувоҳи бўлдим. Йўлнинг икки чети ҳам кўм-кўк. Ферр томонда бог, иккинчи томонда пахтазор. У ерлар ҳамроҳимиз Суюнбой аканинг даласи.

Бор-йўғи 18 гектар ери бор фермернинг. Пахтазорни ораласангиз бахри



дингиз очилади. Ғузлар қийғос гулга кирган. Бир текис яйраб ўсишмоқда. Олмазор боғнинг тағлари мадланиб ағдарилган. Барча дархатлар қиройли қилиб оқланган, олмазор тағига мош экилган. Фермернинг пиёзи аллақоғон пишиб бўлди. Тарвуз эса тугаш арафасида.

— 1994 йилда 14 гектар ерда иш бошлагандик, — дейди С. Норқўзиёв. — Шулардан 7 гектари сўғриладиган, қолган 7 гектари ташландик ер эди. Манави кўриб турганингиз — пахтазор ва полиз ўрни янтоқзор эди. Ўз ҳисобидан 200 метр узунликда сувнинг захини қонирладиган канал қазидим. Насос келтириб, сув чиқардим. «Суюн жинни бўлибди, бу ерда ҳеч нарса усмайди», деганлар ҳам бўлди, аммо барибир ортага қайтмадим.

Хар бир яхши ишининг, яхши ташаббуснинг ҳам ўзига яраша душманлари бўлади. Суюнбой аканинг ишлари юришиб, экинлари баравалгини қимлардир ёқтирмайди. Шунинг учун чопиқ тракторини четдан олиб келиб ишлатаяпти. Ўтган йили Бобур номидаги ижара хўжалиги қарори билан ДТ-75 ҳайдов трактори фермер хўжаликка берилган эди. Трактор ишга яроқсиз экан. Фермер елди-юғурди, тракторни оёққа турғайди. Бу йил қўқламда эса хўжаликка келган янги директор тракторни тортиб олишга уринди. Яхшиям бу ишга туман раҳбарлари, мухбирлар аралашиб, ижобий ҳал бўлди.

— Бу йил ўртача 35-36 центнердан пахта ҳосили оламиз, — дейди Суюнбой Норқўзиёв. — Пиёз ва тарвуз ҳосили ҳам яхши бўлди.

Мирзачўл шароитида 35 центнер юқори ҳосил ҳисобланади. Бу кўрсаткич туман ва Бобур номидаги ижара хўжалиги кўрсаткичидан салкам икки баравар кўпдир. Демак гап ерда эмас, меҳнат экан. Меҳнат қилган одам албатта ўз мақсадига эришади.

Б. ЭГАМҚУЛОВ
Суратда: С. Норқўзиёв (чапда) сув насосини қўздан кечирмоқда. С. МАҲҚАМОВ олган сурат.

ҚАРШИ УНИВЕРСИТЕТИДА МУСТАҚИЛЛИК — БУОК НЕЪМАТ

Қарши Давлат университетидеда Ўзбекистон МТ партияси Қашқадарё вилояти кенгаши ташаббуси билан Президент Исрол Каримов мамлакат олдига қўяётган улкан вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллигига бағишлан «Мустақиллик — буюк неъмат» мавзусида илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди.

Анжумани Қашқадарё вилоят ҳокимининг муовини Р.Раҳмонов очди. «Илмий-техника тараққиёти ва мустақиллик» мавзусида МТ Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси С.Р.Шойқуллов маъруза қилди. МТ вилоят кенгаши раиси муовини, фалсафа фанлари номзоди М.Раҳабов «Мустақиллик, миллий мафкура ва қадриятлар», тарих фанлари номзоди О.Бўриёв «Мустақиллик ва урф-одатлар», МТ Қарши тумани кенгашининг раиси Э.Эргашев «Мустақиллик ва ўзбек халқи тарихига назар» мавзуларида илмий-назарий қарашларни баён қилдилар.

Амир Темур жағғармаси Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси Исмоил Тўхтамишев истиклол ва маданий ҳаётимиз жараёнини ҳақиқат сўзлади.

Фидокор инсон хотираси

Университетнинг «Маънавият ва маданият» марказида Қарши шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Қарши шаҳар кенгаши, «Қамолот» жағғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида Ф.Ҳўжаева таваллудининг 100 йиллигига бағишлан «Истиклол фидоисини» мавзусида илмий-назарий анжуман ўтказилди.

Анжуманда Ўзбекистон МТ партияси вилоят кенгашининг раиси С.Р.Шойқуллов, университети саноатшунослик кафедрасининг муdiri Д.Тиллаева, «Қамолот» жағғармаси вилоят раисининг ўринбосари, МТ Қарши шаҳар кенгаши раиси муовини Солижон Иброҳимов, МТ Қарши шаҳар кенгашининг раиси Т.Ҳўжабердиев қизиқарли маърузалар билан чиқдилар.

Даврон РАЗЗОҚОВ,
Қарши Давлат университетининг досенти



Соғлом келажак сари...

«МТ»: воқеалар, хабарлар

НИШОНА

Тараққиёт аслида фақат янгиликлар қилишдагина эмас, балки турмушда асрлар давомида қўлланилиб келинган эски нарсалардан самарали фойдаланишда ҳам намоён бўлади. Балки шу сабаблидир, биз жуда ривожланиб кетди, деб ҳисоблаб юрган кўлаб Фарб давлатларида, мисол учун, бугунги кунда пахтадан тайёрланадиган табиий газламаларга эҳтиёт қилмай, бу беҳиз эмас, албатта. Матбуот хабарлари қараганда, сунъий газламалардан тайёрланган кийим-кечакларни узлуксиз кийиб юрган баъзи «модапарастлар»да янги касаллик пайдо бўлибди: улар асабий, бақовок бўлиб қоларканлар, худда-беҳудага нафакат устбошларидан, ҳатто баданларидан ҳам ўт чақнаб кетаярканлар...

Хуллас, табиийликка нима етсин.

Ўтган ҳафта водийдан хушбабар келди — Олтиариқда пахта очилибди! Юксалиш йилида уложаж ҳосилининг илк нишонаси бу.

Биз кўп йиллар давомида бир кило пахтага фалон кило бугдой алмашилди! Өхуд фалон метр ил-газлама олинди, деб ғурурланиб юрардик.

Мустақиллик, замон талаби туйғулари энди иқтисодий ҳисоб-китобларимиз аниқ меzon касб этди; пахта ҳақиқатан ҳам хаёли эканлигига ишонч қилдик. Гап уни фақат саноат хомашёсига айлантириб хорижга сотишда эмас, ўша хорижликлар жон-жон деб устига қиядиган бежирим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қолган.

Зеро, бу йил республикамизда оз эмас, бир ярим миллионга яқин гектар пахтазордан тўрт миллион тонналик хирмон уйилди. Яқинда Вазирлар Маҳкамасида ярим йиллик яқунларга бағишланган йиғилишда Президентимиз И. Каримов қишлоқ хўжалиги, хусусан пахтачилик соҳасига алоҳида тўқталиб, жумладан, шундай дедилар: «Август ҳосил тўғлашда, қўсақлар сонини оширишда муҳим пахла. Халқда асл дехқон бу ой давомида техникасини даладан олиб чиқмайди деган гап бор. Бугунги кунда тегишли вазирилик ва уюшма раҳбарлари ҳамда мутахассисларнинг ўрни далада бўлиши, барча пахтакорларга ёрдам бериши зарур».

Бу йилги галла мавсуми дехқон учун техниканинг нақадар зарурлигини яна бир бор қўрсатди. Пахтакор учун ҳам худди шундай. «Бугун ҳамма пахтакор» дея шорик кўтариб чиққан мингта шаҳарлик хашарчидан кўра битта трактор афзалроқ. Шундай экан, айна кўнларнинг талаби — ўз ишини қўрсатма-ларсиз ҳам билиб қиладиган пахтакорга хар томонлама ёрдам бериш, зарур шарт-шароитларни яратуш.

БУОК ИПАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ ПОЕЗДА...

Темир йуллари халқ хўжалигининг қон томирлари дейишдади. Демак, уларнинг ҳаракатда эканлиги — тананинг соғломлиги аломатидир.

Ўтган ақшанба кўни жумхуриятимиз темирйўлчилари ўз касб байрамларини нишонладилар.

Бугунги кунда Ўзбекистон темир йуллари Давлат хиссадорлик компаниясига қарашли темир йўллар узунлиги тўрт миң километрдан ошди. Уларда тун-кун ҳаёт тинмайди — вагонларда гоҳ юк ташилади, гоҳ йўловчи. Шу билан бир қаторда қўшимча равишда «Ғузур — Бойсун», «Бухоро — Нукус» темир йўллари қурилиши давом эттирилмоқда. Яқин орада қўн-на Самарқандга ҳам электровозлар қатнай бошлаша ажаб эмас. Умуман, инсон саломатлигига, экологик тозалikka айрича аҳамият берилаётгани

боис, бора-бора барча паровозу тепловозлар ўрнини фақат электр қуввати ердимида юрак этилган эди. У асосан башининг сийхат-саломат бўлишига ўз ҳиссасини қўшиб билан шугулланади, чунки соғлом ота-онандан соғлом фарзанд туғилади; аҳолининг бу бир текис кўпайиб бориши она сайёрамизда тараққиётнинг боиси не? Өхуд, иқтисодий номунасоибликнинг ил-дизларини шу ердан излаш керакмикин...

Хар қалай, Азимов — америка тарбия қўрган ёзувчи. Шунинг учун ҳам у зотнинг нуқтаи назарини ягона холис баҳо сифатида қабул қилиш шарт эмас, албатта.

Вахонанки, демография, аҳолининг кўпайиши дунё микросида ўрганилиб келинаётган муаммолардан биридир. Худди шу мақсадларда 1969 йилдаёқ БМТ қошида аҳолининг кўпайиши жағғармаси ташкил этилган эди. У асосан башининг сийхат-саломат бўлишига ўз ҳиссасини қўшиб билан шугулланади, чунки соғлом ота-онандан соғлом фарзанд туғилади; аҳолининг бу бир текис кўпайиб бориши она сайёрамизда тараққиётнинг боиси не? Өхуд, иқтисодий номунасоибликнинг ил-дизларини шу ердан излаш керакмикин...

Яқинда Тошкентда БМТнинг Марказий Осиё, Озарбайжон ва Қозғистондаги аҳолининг кўпайиши жағғармаси (ЮНФПА) ваколатхонаси очилди.

Заҳира жағғармаси 300 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган ушбу муассаса ривожланиётган ҳамда иқтисоди изга тушаётган мамлакатларга аҳоли кўпайиши масаласини ҳал этишда қўмаклашади. Хатто дунё бўйича махсус кун ҳам бор. Бу йил у 11 июлда бўлиб ўтди. Шу кўни Ўзбекистон ҳам илк бор БМТ аъзоси сифатида аҳоли кўпайиши кўнини нишонлади.

Жағғарма хозирча Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари соғлиқни сақлаш муассасаларига қиймати 600 миң АҚШ долларига тенг табиий усқуналар етказиб бериш масаласини хал қилмоқда.

Г. МУРОДАЛИЕВА

ИСТИҚЛОЛГА
БАҒИШЛОВ

ни ўзлаштиришга қаратилган. Бакалавр ва магистр илмий даражаларини олмакчи бўлган талабалар Жанубий Осиёнинг икки тилини мукамал билиши, инглиз ва ўз тилидан ташқари, ўрганган тилида ўқиши ва Оврупо тилларига таржима қила олиши лозим.

Доктор файласуфлар тайёрлаш илмий ўқув дастури ҳам катта қизиқиш уютади. АҚШда илмий даража олиш учун бир марта иш ёқланади.

Айтиш жоизки, фалсафа доктори курслари кириш учун магистр даражаси шарт эмас, бунинг учун фахрли бакалавр даражаси ва Жанубий Осиё тилларидан биринчи мукамал билиш kifoya.

Доктор даражаси унвонига номзодлар тўрт ёзма имтиҳон топшириши шарт. Улардан камида учтаси Жанубий Осиё адабиёти ва тиллари курсини ўз ичига олади. Тўртинчи имтиҳонни эса номзоднинг ўзи танлаш ҳуқуқига эга. Бу Жанубий Осиёнинг тарихи, маданияти ҳақида бўлиши мумкин. Имтиҳон қонирлиги топширилса, номзод билан икки соат масаладир комиссияси суҳбатлашади. Сўнг унга «Ёқлашга номзод» даражаси берилди ва унга қимоя учун имкониятлар яратилди. Расмий ёқлашдан сўнг файласуф доктор даражасини олади.

Кафедрани битирган талабалар «Миллий стипендия»га мурожаат қилишлари мумкин. Энг билимли талабалар махсус мукофотлар билан тақдирландилар. Мукофотлар «Махсус битирувчилар комитети» томонидан берилди.

Америкаликлар фикрича, ан-

билан танишиш истагини билдирди.

Охири жаноб Хоугленд ҳужжатларини ва жавобларини уларни қониктирганини маълум қилди.

Нихоят АҚШга бориш учун таклифнома ҳам келди. Қишки дашту биёбонлар, хомуш, қоядор тоғлар, узоқ давом этган парвоз... Сизэтл аэропортида (у Сизэтл ва Такома шаҳарлари орасида жойлашган) мен ҳали юкимни қабул қилишга улгурмасдан, олдимга ёшига йигит келиб менинг исмиمنى айтиб, ўзини профессор Шапиро деб таништирди. Танишгач, юким-

Ўзбек, қозок, қирғиз, тожик, туркман, уйғур тиллари ўргатиладиган иккита катта — Осиё адабиёти ва тиллари яқин Шарқ кафедраларидан ташқари яна кўпгина кафедралар шарқшунослик муаммоси билан шуғулланади.

Вашингтон университетидан 1909 йилда бошлаб Жанубий Осиё тиллари ўргатилиб борилмоқда. Шарқшунослик кафедрасига биринчи санскрит профессори Герберт Говен асос солган. Орадан 50 йил ўтгач 1959 йил тибет тили, 1967 йили тамил ва ҳинд тиллари ўқи-

ҲИНДШУНОСНИНГ АМЕРИКА
ТААССУРОТЛАРИ

ва ленинградлик шарқшунослар шуғулланар эдилар. Холбуки, гаройиб ва сирли Ҳиндистон тўғрисида дунёга биринчилардан бўлиб ҳикоя қилиб берган Абу Райхон Беруний ҳамда Абдураззоқ Самарқандийларнинг асарларини ўқиш-ўрганишга ўзбек шарқшунослари олиб борган улкан тадқиқотлар тўғрисида маълум қилди.

Орадан бироз вақт ўтиб бошқа талаботлар қатори мени ҳам Тошкентдаги АҚШ элчихонасига суҳбатга таклиф этишди. Бир соат давомида биринчи котиб жаноб Хоугленд раҳбарлигидаги эйтиборли комиссия аъзолари мен билан суҳбатлашди. Суҳбат инглиз тилида бўлиб, келгусида менинг АҚШда қилишим лозим бўлган ишларга дахлдор эди. Берилган саволларга лўнда жавоб беришга ҳаракат қилдим. Жавоблар комиссия аъзоларини қониктирди чамамда, жаноб Хоугленд бизнинг шарқшунослик институтимиз ва талабалар

ни қабул қилиб олишга кўмаклашди. Биз унинг «Пежо» автомашинасида узоқ юриб Довил-Товил (пастки шаҳардан ўтдик. Дорилфунун шаҳарчасига бориб, унга катта бўлмаган «Travelodge» меҳмонхонасига жойлашдим. Меҳмонхонада, ҳатто кабел телевидениеси ҳам бор экан. Унинг битта дастури япон тилида олиб берилишини кузатиб, мен бу шаҳарда японлар кўпчилиги экан шекилли, деб ўйладим. Профессор Шапиро ҳам менга ҳатто ўз хонасини бўшатиб берди. Хонасида кутубхона, телефон, ёзиш дастохти бор эди. Унг томонда катта Вашингтон кўли жилваланиб турар, унинг қирғоғида университет шахарчаси жойлашган. Чапда охири кўринмас уйлар, тўғри кўчалар кўринади.

XIX асрда ташкил топган Вашингтон университети АҚШда энг кўна билим масканларидан ҳисобланади.

тала бошланди.

Ўрганиш учун қадимги санскрит тилидан бошлаб замонавий тилларга, бари худудий жиҳатдан мунтазам камраб олинган. Бундан ташқари, Жанубий Осиё тилларидан сабоқ олаётган талабалар ўз билимларини бошқа тилларда ҳам синан кўришлари мумкин. Марказий, Ички ва Шарқий Осиё тиллари, масалан, хитой, корейс, япон, уйғур, тайланд, ўзбек ва эски турк тилларининг ҳаммаси Яқин Шарқ тиллари кафедрасида ўтилади.

Кафедра бакалавр ва магистр тайёрлашда, тил ва матншунослик бўйича ўз асосли дастурига эга. Шу тўғрисида талабалар домлалар кўмағида илмий ишларни ўзлари олиб боришлари мумкин. Дастур адабиёт, тилшунослик, филология, дин адабиёти ва Жанубий Осиё эпиграфикасини ўз ичига олади.

Асосий талаб чет тиллари-

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг яқинда АҚШга таширифи нафақат республикамиз, балки Марказий Осиё давлатларининг келажаги учун ҳам муҳим воқеа бўлди. Чунки бу ташириф ёш ва нотаниш, бироқ Марказий Осиёда катта сийёсий-иктисодий кўчга эга Ўзбекистонни кўпалаб америкаликларга таништирди.

Мен шу йилнинг январидан май ойигача АҚШда бўлдим. Шунда бир нарсага иймон келтирдимки, афсонавий Ҳиндистонни гарбий ярим шардан излаган Колумбдан анча омдирок эканман.

Агар очикрок, бошидан айтадиган бўлсам, 1994-1995 йилларда МДХ давлатларидаги Америка элчихоналари қоридида очилган АҚШ Ахборот хизмати ўтказётган «Уйлам Фунбрайт дастури» танловининг ғолиблари сафига қўшилдим.

Бир кун «Правда Востока» газетасида инглиз тилида чиққан танлов тўғрисидаги эълонни ўқиб қолдим (дастлаб хайратландим, чунки бизда сабоқ Иттифок даврида бундай дастур борлигини ҳеч ким билмасди), сўнг тезда қўрсатилган АҚШ элчихонаси манзилига мурожаат қилдим.

Танловда иштирок этиш учун тўдириб керак бўлган бир қатор ҳужжатлар шуни қўрсатдики, бу анча юқори даражада тузилган дастур бўлиб, бунда фақат юқори малакали, тажрибали, ўз соҳасида айрим ютуқларга эришган мутахассисларга қатнаша олинлар.

Кейинроқ билимим, дастурга 1946 йилда АҚШ сенатининг чет эл ишлари бўйича комиссияси раиси У.Фулбрайт асос солган. Дастур 50 йил давомида АҚШ ва бошқа давлатлардан 50 миң олимни ўз доирасига торган. Унинг асосий вазифаси миллатлараро муносабатларни янаям мустаҳкамлашдир. 1946 йил 1 августда «Фулб-

райт акти» номи билан қонун сифатида ишлаб чиқарилган бу дастур АҚШ сенати томонидан 1961 йилда қабул қилинган «АҚШ таълим ва фан соҳасида хорижий давлатлар билан алоқалар тўғрисидаги қонун» яратилишига асос бўлди. Қонун бўйича дастурни қувватлаш учун маблаг ажратилган. Бунага илмий маъруза ўқиш, фанларда фундаментал тажрибалар ўтказиш, ўрта ва бошланғич мактабларда АҚШ ва чет эл фуқаролари билан машгулотлар олиб бориш кирди.

Дастур бевосита АҚШ Ахборот маркази ихтиёрига берилган бўлиб, 48 мамлакат билан кордона ва муассасалар, икки томонлама тузилган комиссиялар орқали, 85 давлат билан эса АҚШ элчихонаси орқали амалга оширилади. Конгресснинг ҳар йили ажратадиган маблагларидан ташқари, бу дастур яна давлатнинг бошқа турлича жамғармалари ҳамда шахсий фондлар ҳисобидан ҳам фойдаланади. АҚШ президенти фармонида кўра, номзод танлаш ишлари «Хорижий фуқаролар учун У.Фулбрайт стипендиялари бюроси» зиммасига юклатилган. Бюронинг 12 нафар етуқ малакали аъзоси бўлиб, ҳар бир аъзони президентнинг ўзи тайинлайди.

Такдим этиш зарур бўлган илмий тадқиқотимнинг лойиҳаси, аввало эълон қилинган мақолаларим рўйхати ва баёни, таржимаий ҳолимга доир ҳужжатларни тайёрлаш, инглиз тилига ўғриш устида астойдил меҳнат қилишимга тўғри келди.

Болагимдайек менда ҳалиқимиз тарихини ўрганишга ишқибоз кучли эди. 1957 йил ТошДўнинг шарқшунослик факультетига ўқишга кириб шуларни ангалдимки, ўзбек халқининг тарихи Жанубий Осиёнинг энг қадимий тарихидан бири бўлган ҳинд маданияти тарихи билан чамбарчас боғланган экан. Ўзимни ҳиндшуносликка бағишлаб, шох Қанишқа, Абу Райхон Беруний, Кутбиддин Ойбек, Мухаммад Ғулук, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураззоқ Самар-

«МТ» кутубхонаси
ПИРЁРВАЛИЙ АСРЛАР ҚАЪРИДАН ҚАРАЙДИ

Пахлавон ота номи билан машҳур бўлган Пахлавон Маҳмуд Пирёравалий билмаган одам кам бўлса керак. Унинг форсий тилда ёзган рубоийлари ўтмишда Хайём рубоийлари каби оғиздан-оғизга ўтиб юрган. Пахлавон Маҳмудга Ўзбекистонда иккинчи умр бағишлаган олимлардан бири Тўхтасин Жалолов эди. Т. Жалолов Пахлавон Маҳмуд рубоийларини излаб топиш, таржима ва нашр қилишда жонбошлик кўрсатди. 1979 йили Адабиёт ва санъат нашриёти Т. Жалолов, М. Мунизода, А. Бокир, И. Улфат ва Васфий томонидан таржима қилинган рубоийларнинг учинчи нашрини форсий матн билан бирга чет элди. Китобга Т. Жалолов сўз боши ёзди.

Афсуски, ўша давр тақозоси билан Пахлавон Маҳмуд дунёқараш бузиб кўрсатилди. Тасаввуф адабиётининг буюқ намоёнчаси бўлган шоир «Хайём каби даҳрий» деб таърифланди. Унинг «авлиё бўлмаганини кўрсатиш учун саҳифаларни бўяш, қоралашга тўғри келди. Шундай бўлса-да, Т. Жалоловнинг бу меҳнати самарасиз қолмади.

Кўпчилик олимларнинг кўрсатиб ўтишларича, Пахлавон Маҳмуд ҳаёти ҳақида маълумотлар кам сақланган. Т. Жалолов унинг таваллудини 726/1247 йил деб кўрсатади. Вафотини эса 726/1326 йил деб ёзди. Уэр ФА Шарқшунослик институтини томонидан чиқарилган каталогда (СВР, 7 жилд, 405-бет) 732/1331-1332 деб кўрсатилган. Бироқ Шарқшунослик институтининг, кўлёмалар ҳазинасида бир асар сақланмоқдаки, у шоирнинг таржимаи ҳолига оид айрим маълумотларни бериши мумкин. Афсуски, бу асар ҳанузгача ўрганилган ва нашр қилинган эмас.

«Ҳазрати Пахлавон ота ҳикоятлари» деб номланган, аслида «Маноккиб» бўлган бу асар ҳақида Т. Жалолов биринчи бўлиб ёзма маълумот берган. Т. Жалолов Пахлавон Маҳмуд рубоийларини кидириб юриб, Шарқшунослик институтига келди. Бу ерда Пахлавон Маҳмуд рубоийларини ўз ичига олган иккита китоб борлигини аниқлайди. Ҳозирги кунда эса бундай китобларнинг сони

сақизтага етган. Улар қуйидаги инвентар рақамга эга: 1098, 9578, 1,2069 VIII, 8478 IV, 12752, 1,7670, 1,1440.

Т. Жалоловнинг ёзишича, у Шарқшунослик институтига келганда, бир аёл сотиш учун бир муқовага жойлаштирилган уш муқталик асарни олиб келади. Улардан учинчиси Пахлавон Маҳмуднинг таржимаи ҳолига оид «Ҳазрати Пахлавон ота ҳикоятлари» эди. Т. Жалолов бу китобни «Маноккиб» деб атаб, бошқа ерда давом этади: «Хоразмда ёзилган бир кўлёмма маноккибда Маҳмуд Пурёравалининг ҳаёт йўли ҳақида диний ранг бериб ёзилган, лекин аслида шоир Маҳмуднинг порлоқ образини ифодалайдиган маълумотлар келтирилган».

Ҳақиқатан ҳам, «Ҳазрати Пахлавон ота ҳикоятлари»нинг 1348/1929-1930 йилда мулла Бекниёз ибн Хусайн девон томонидан кўчирилган ягона нусхаси институт фондида сақланмоқда. Асар 1296/1879-1880 йилда ёзилган бўлиб, ёзган муаллифининг номи маълум эмас. Хотимада айтилишича, бу қиссан ёзиш учун унга Пахлавон ота мухлисарида илтимос бўлган ва уни ёзишга киришилган. Қиссада баён қилинишича, Пахлавон Маҳмуд Ҳиндистонда кураш тушиб, барча пахлавонларни енгиб чиқади ва Ҳинд хожи Жуна томонидан Ҳиндистонга олиб кетилган хоразмликларни ўз ватанларига қайтаради. Бундан бошқа қизиқарли воқеаларни ҳам ундан ўқиб билиш мумкин.

Қисса Хоразм шеvasида кўпгина форсча ва арабча сўзлар аралаштириб ёзилгани учун тушуниш қийин эди. Биз уни қисман ҳозирги ўзбек тилига айлантириб бердик. Қисса катта таассурот қолдириши билан бирга Пахлавон Маҳмуднинг таржимаи ҳолини ёритишда ҳам муҳим қимматга эга.

Маҳмуд Ҳасаний
Уэр ФА Шарқшунослик институтининг Кўлёмаларни сақлаш бўлими мудир

Пахлавон ота ашиқоятлари

халқ рўмони

Авал сўз Бисмиллоҳ Раҳмон-нир Раҳим Ситойиш қунам Изади покро, Ки доно-ю бино қунад хокро.

бенихоят, Ададсиз, ҳадсиз бўл-сун ниҳоят. Кеча-қундузда иллал-лоҳ каломим, Яна ҳам лол илоҳа йўқ гайри комим. Адамдин бор этиб қил-динг вужудим,

Била олмам қаю нафъиу судим. Манинг қўнғлум макони қайғу қулфат, Ўзинг шод айлагайсан, балки нусрат. НАҚЛ ҚИЛИШЛАРИЧА, Ҳазрат Пахлавон (Маҳмуд) алайҳир-рахма туғма авлиё (Давоми бор).

Таржимаси: Оқил одамларнинг ақли қачон ҳисга тобе бўлади, Олтин ҳасадчининг ҳасадидан қачон мис бўлади. Номард итдир, мард катта дарё, Дарё қачон ит оғзидан ифлос бўлади!

БАЛАБОН

Балабон кўна Хоразмнинг энг қадимий сурнай бўлиб, бу пуфлаб чалинадиган созни ҳар таърифда ҳар хил атаганлар: боломан, боломон, балабон. Тўғривоғи Балабон бўлиб, ҳозирга қадар сақланиб, халқ чолғучилари қўлида ўз вазифасини бажариб келмоқда. Бу чолғу сурнайга жуда-жуда ўхшаш, лекин балабоннинг пастки товушлари одам товушига ўхшаб кетади. Унинг сақизта тешиги бор бўлиб, сурнайга ўхшаб тешиқлар бармоқлар билан беркитилади, очилади ва хоказо.

Бу чолғу Кавказда ҳам кенг тарқалган, баламан деб аталади ва Хоразм балабондан озроқ фарқи бор. Масалан, ўзбек сурнай, балабонларининг товуш кучи анча кучлироқ ва чалинса, узоқ-узоқларга етади. Кавказ баламани, ҳам шакл сифати, ҳам товушининг мунгли ва одам товушига ўхшаш билан ўзига хос, уни икки созанда бўлиб (кўш сози) чалишди.

Хоразм ўзбек балабони эса жўрсиз, доира билан, ансамбл созандалари билан чалишаверади.

Хоразмда тангасозни мусика-ракс қўйлари бор, бу кўп катта-катта тўйларда албатта чалинади, юрагида ўти бор йигит ва қариялар ўртага рақсга тушадилар ва бу рақс лаазига уялиб кетади.

Балабон ўзбек чолғу асбобларининг энг қадимийси ва севиқлиси десак хато бўлмайд.

Балабон бу Хоразмнинг ажиб чолғуси, Бир йўқолиб, бир топилиб келарди ҳар чоқ. Сурнайдан сал фарқ қилади пастроқ товуши, Балабонни сайратиш нақ ҳар ким орзуси.

Балабон бу Хоразмнинг ажиб чолғуси, Балабоннинг товушидан келар тўй исми Баб-баробар шод ўйнайди кўкрак қафаси, Ажиб созни ишга солар инсон нафаси.

Сурнай каби нола қилар жозибта иши, Хонандани етаклайди бўлиб хокисор. Агар унинг лазисини тинглаган киши, Рақсларга тушиб кетар, созда мағнит бор.

Балабон соз Хоразмда кўп қўлланади, Танг-сози ўйинларда ҳўп чалинади. Катта-кичик марақаю тўйларда бу соз, Хизмат қилиб ҳўрмат билан кўп сўйланади.

Сайфи ЖАЛИЛ, бастакор

Муҳаммад II

Хоразм халқларидан Хоразм

ИСТИҚЛОЛ
МУБОРАК!

Бир танин парчалаб дедилар яқкаш: «Энг яхши йўл бугун умумлаб яшаш», — Деб ўзбек, тожик, қирғиз, қозоғи, Ғанимини Туронга қўйган тузоғи.

Ўзалигинг англадинг, таниди жаҳон, Жамла фарзандларинг, Она-Туркистон. Аллома олимлар яратган бу юрт, Оламни ўзига қаратган бу юрт.

Сайқали замин деб тан олса замон, Гувохлик берадур кўна Регистон. Элим, истиқлолинг муборак энди, Ватан, бахт-иқболинг муборак энди.

ШОИР
АЙТГАНИДАЙ

Инсон умри сарҳисоб, Санъат умри пойдор Навосиз юракларда Ўчмас наво қолади.

Ҳамиша суҳбати дилкаш, эди ҳимматда ҳам бекам Чаман булбулларин лол айлаган танти Таваққалисиз Тақдир экам, фалак шу дам соялар солди Ногоҳ кумри, тўтилар ҳам аста тин олди. Уни ўлмас тановори дилимда қолди Сўнгсиз авж фарёдлари тилимда қолди Сиз — Таваққалисиз

Субҳи шому сахарларда ман, Хоҳ қишлоғу, шаҳарларда ман Қилмай қанда сафарларда ман Рухингизга дуодадурман Сиз — Таваққалисиз

Етмишингиз кутган эдингиз, Кутган эди шогирдлар, мухлисларингиз фарзандларингиз, Йўқладик-ку уни биз сизсиз... Сиз — Таваққалисиз

Кўшиқ эди унинг тилаги Кўшиқ бўлиб ёнди юраги Кўшиқ айтиди беқибс ўктам Кўшиқ бўлиб қолди ўзи ҳам Сиз — Таваққалисиз

Хаёлимда қўлида тори, Кўшиқ қуйлар дилида бори, Авж пардада оҳанги зори Соғинтирди уни хумори Сиз — Таваққалисиз

Мен шоир эмасман Ва даъвом йўқ. Бундай танлаб олган Муддаом ҳам йўқ Фақат гоҳ-гоҳида Оламан қалам, Беғубор қалбимга қўнганда алам.

Фаргона Омонжон ҲОШИМОВ

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 0468. 3526 нусхада босилди. Сотувда нархи эркин. Ҳажми 2 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилумиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32. Телефон 33-50-18. «Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахо-наси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй Навбатчи — Бахтиёр АҲМЕДОВ 1 2 3 4 5 6